Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 4 (2024) · “Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlarini t... DOI: 10.5281/zenodo.24320703

ta´minlashning ustivor yo´nalishlari´ mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

rating. At the Halal In Travel Awards 2023 ceremony, the city of Khiva was awarded the "Islamic Heritage Tourism Destination of the Year" prize.

At the 25th session of the UNWTO General Assembly held in 2023 in Samarkand, the village of Sentob in Navoi region won the "Best Tourism Village 2023" award. Additionally, the international publishing company Lonely Planet awarded Uzbekistan a special certificate in the nomination "Best Travel Destination 2024."

Uzbekistan's inclusion in the list of the best countries to travel to in 2024, according to the World of Statistics announcement, will contribute to an increase in the number of foreign tourists and the volume of export of tourist services. All this helps strengthen the country's international image.

Overall, the current state of Uzbekistan's tourism sector and its development trends show positive results. The analysis of measures taken for further tourism development and future prospects confirms the strategic importance of this sector. Additionally, the objectives set for tourism development in the "Uzbekistan – 2030" strategy contribute to increasing the income of the population, creating new jobs, and ensuring the welfare of the people.[6]

Conclusions and Suggestions Tourism services hold significant promise for reducing poverty in Uzbekistan, particularly in rural areas. To harness this potential, the following measures are recommended:

1. **Infrastructure Development:** Improve transportation, accommodation, and connectivity in rural areas to attract more tourists.
2. **Capacity Building:** Provide training and education to local communities to enhance their skills and participation in the tourism sector.
3. **Community-Based Tourism:** Promote initiatives that directly involve local communities, ensuring they benefit from tourism revenue.
4. **Sustainable Practices:** Encourage eco-tourism and sustainable tourism practices to protect cultural and natural assets while generating income.
5. **Policy Support:** Strengthen policies and incentives that facilitate investment in tourism and promote inclusive growth.

References:

1. Ashley, C., Roe, D., & Goodwin, H. (2001). Pro-Poor Tourism Strategies: Making Tourism Work for the Poor. ODI.
2. Scheyvens, R. (2007). Exploring the Tourism–Poverty Nexus. Current Issues in Tourism, 10(2-3), 231-254.
3. State Committee for Tourism Development of the Republic of Uzbekistan (2018-2023). Tourism Statistics and Reports.
4. World Tourism Organization (UNWTO). (2018). Tourism and Sustainable Development.
5. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 No. 4947 "On the strategy of actions for the further development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021".
6. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 11, 2023 No. PF-№158 "On the strategy of Uzbekistan-2030".

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, ҲАМДА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

Published: 23.12.2024

Cite this article: Халимжанов Дилшод Эргашбекович (2024). Кичик саноат зоналарининг турлари, ҳамда уларнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни. Emro Science and Education, 1(4). https://doi.org/10.5281/zenodo.24320703

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

Халимжанов Дилшод Эргашбекович
Гулистон давлат университети “Менежмент” кафедраси ўқитувчиси
e-mail:dilshod_halimjanov@mail.ru

Аннотация: Кичикнинг ривожи учун қулай иқтисодий ва инфратузилма шарт-шароитлари яратилган, махсус белгилаб қўйилган ҳудудлардир. Ушбу зоналарда тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар учун солиқ имтиёзлари, субсидиялар, кредитлар ва бошқа молиявий ёрдамлар таъминланади.

Калит сўзлар: кичик саноат зоналари, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, инфратузилма, иш ўринлари, ривожланиш.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик тадбиркорликни ривожлантириш, кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва мазкур йўналишга инвестицияларни жалб этиш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, ёшлар саноат зоналари ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси шакллантирилди, маъмурий функцияларни номарказлаштириш, махсус иқтисодий зоналар дирекцияларининг ва ёшлар саноат зоналарини бошқарувчи ягона дирекцияларнинг ваколатларини кенгайтириш орқали уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш механизми соддалаштирилди.

Шу билан бирга махсус иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга солишда, ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали ажратишда, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда яратилган имкониятлардан саноат зоналари дирекциялари тўлиқ фойдалана олмаётганлиги уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари махсус иқтисодий зоналар ҳудудида фаолиятни амалга ошириш истагини билдирган инвесторларга қўшимча қулайликлар яратиш учун уларнинг махсус иқтисодий зоналар дирекциялари ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик жараёнлари автоматлаштирилишини талаб этмоқда.

Ушбу Қонун билан «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги74 Ўзбекистон Республикаси Қонунига махсус иқтисодий зоналарнинг маъмурий кенгашларини тугатиб, уларнинг вазифаларини махсус иқтисодий зоналар дирекцияларининг зиммасига юклатишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Юқоридаги қонун хужжатидан келиб чиққан ҳолда кичик саноат зоналари -бу махсус белгилаб қўйилган ҳудудлар бўлиб, унда кичик бизнеснинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилади. кичик саноат зоналар турли мақсадлар учун ташкил қилинади ва уларнинг турлари ҳам шу мақсадларга мувофиқ келади. Кичик саноат зоналарининг асосий турларини қуйида келтирамиз:

Ишлаб чиқариш саноат зоналари; бу турдаги кичик саноат зоналари асосан ишлаб чиқариш жараёнларига мўлжалланган бўлиб, у ерда кичик ва ўрта корхоналар турли маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Ушбу зоналарда хомашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳсулотларни ўқувлаш ёки қайта ишлаш ишлари олиб борилади. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳаллий ва экспорт эҳтиёжларини қондириш. Янги иш ўринларини яратиш, иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиш.

[74] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига махсус иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини соддалаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Тошкент ш., 2024 йил 5 декабрь, ЎРҚ-1010-сон

Технопарклар-бу юқори технологияларга асосланган, инновацияларнинг ривожланишига ёрдам берувчи кичик саноат зоналаридир. Бу ерда янги технологияларни ишлаб чиқариш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган фаолиятлар амалга оширилади. Илмий-техник ривожланиш, инновациялар ва юқори технологияларни жорий этиш. Янгича ишлаб чиқариш усулларини жорий этиш, тадқиқот ва инновацияларни ривожлантириш.

Қайта ишлаш зоналари-Бу турдаги саноат зоналари хомашё ва ёқилғиларни қайта ишлашга мўлжалланган. Масалан, пластик, металлар, қоғоз ёки электроника воситаларини қайта ишлаш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини барқарорлаштиришга қаратилган. Маҳсулотларни қайта ишлаш ва қайта фойдаланишга йўналтириш. Экологик самарадорликни ошириш, хомашё сарфини камайтириш.

Логистика ва дистрибьюторлик зоналари. Кичик саноат зоналари логистика, транспорт ва дистрибьюторлик билан боғлиқ фаолиятларга мўлжалланган. Бу ерда товарларни сақлаш, тарқатиш ва транспортлаш учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Логистика ва дистрибьюторлик фаолиятини яхшилаш, товарларни тизимли етказиб бериш. Савдо ва экспорт имкониятларини ошириш, иқтисодий фаолиятни самарали ташкил қилиш.

Хизмат кўрсатиш зоналари-Бу турдаги саноат зоналари хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб боради. Ушбу зоналарда ҳар хил хизматлар-технологик, таълим, маслаҳат ва бошқа хизматлар кўрсатилади. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, янги хизмат турларини жорий этиш. Иш ўринларини яратиш, хизматлар бозорини ривожлантириш.

Экологик саноат зоналари-Экологик саноат зоналари табиатни ҳимоя қилишга, хомашёни қайта ишлаш ва экологик стандартларга мос келувчи ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган. Экологик барқарорликни таъминлаш, қайта ишлаш, янги экологик технологиялар жорий этиш. Атмосферага зарарли газларни камайтириш, ресурсларни самарали ишлатиш.

Аграр саноат зоналари-Бу турдаги кичик саноат зоналари аграр ишлаб чиқаришга, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга йўналтирилган. Ушбу зоналарда фермер хўжаликлари, аграр ишлаб чиқариш ва қурилиш воситаларини ишлаб чиқариш фаолияти олиб борилади. Аграр секторни ривожлантириш, озиқ-овқат ишлаб чиқаришни ташкил қилиш. Маҳаллий озиқ-овқат таъминлаш, аграр ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш.

Рақамли ва ахборот технологиялари зоналари-Бу турдаги кичик саноат зоналари ахборот технологиялари ва рақамли хизматларга мўлжалланган. Ушбу зоналарда IT-компаниялар, веб-дизайнерлар, мобиль иловалар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар фаолият олиб боради. Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш, янги рақамли платформалар ишлаб чиқиш. IT секторида янги иш ўринлари, хизматлар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Кичик саноат зоналари-бу махсус белгилаб қўйилган жойларда ташкил этилган саноат корхоналари учун мўлжалланган инфратузилмали ҳудудлардир. Бу зоналарни ташкил қилишнинг асосий мақсади иқтисодий ривожланишни тезлаштириш, иш ўринлари яратиш ва кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашдир. Улар турли хил мақсадлар учун ташкил этилиши мумкин, шунингдек, уларнинг айрим турлари мавжуд.

Бу турдаги зоналарнинг асосий мақсади-маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва унинг ривожланишини рағбатлантириш. Одатда, уларда кичик ва ўрта бизнес корхоналари жойлашади.

-Маҳаллий иқтисодий ривожланиш, иш ўринлари яратиш ва маҳаллий аҳолининг фаровонлигини ошириш.

-Иш ўринлари яратиш: Кичик саноат зоналари, ишсизликни камайтириш ва аҳолини иш билан таъминлашга ёрдам беради.

-Иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш: Бу зоналар маҳаллий ва миллий иқтисодиётга салмоқли ҳисса қўшади.

-Қўшимча қиймат яратиш: Кичик саноат корхоналари қўшимча қиймат яратиш ва маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

-Технологик ривожланиш: Инновация ва янги технологияларни тарғиб қилиш орқали саноатни модернизациялаш.

-Маҳсулотлар сифати ва рақобатдошлигини ошириш: Кичик саноат зоналарида маҳсулотлар сифати, ишлаб чиқариш жараёни ва рақобатдошлик кўрсаткичлари оширилади.

Қуйидагиларни такидлаш жойизки, кичик саноат зоналарининг ривожи нафақат шу худуд балки миллий иқитисодиётнинг ўсишига, қолаверса ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига бу ўз ўрнида харид қувватининг ўсишига ижобий таъсир этувчи омил сифатида белгилашимиз лозим бўлади. Шу аснода милий иқтисодиётнинг ўсиши ҳам бевосита ҳам билвосита ахоли фаровонлигига тўғридан тўғри таъсир этувчи жараёнларни ўз ичига қамраб олади, бу ўз навбатида кичик саноат зоналарининг янада барқарор ривожланшига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Кичик саноат зоналарининг турлари уларнинг мақсадлари ва фаолият йўналишларига қараб ажратилади. Бу турлар ишлаб чиқариш, инновациялар, хизматлар, логистика, экологик барқарорлик ва аграр секторни ривожлантиришга қаратилган. кичик саноат зоналар иқтисодий ўсишга, янги иш ўринларини яратишга, инновациялар ва технологик ривожланишга катта ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига махсус иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини соддалаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. Тошкент ш., 2024 йил 5 декабрь, ЎРҚ-1010-сон.

2."The Role of Small and Medium-Sized Enterprises (SMEs) in Regional Development" Кичик ва ўрта саноат корхоналари ҳудудий ривожланишдаги ўрни.

3."Innovative Clusters and Small Business Zones: The Impact on Local Economies" — Инновацион кластерлар ва кичик саноат зоналарининг маҳаллий иқтисодиётга таъсири.

4. Промзона, Латынина Юлия Леонидовна., Редакция-Эксмо, ISBN 978-5-04-102645-5, 2019 г.

THE ROLE OF THE TRANSPORTATION SYSTEM IN THE DEVELOPMENT OF THE NATIONAL ECONOMY

Abdurakhmanova M.T
Lecturer
ORIENTAL UNIVERSITY, Tashkent, Uzbekistan